

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ эзувчиси.

ТОШКЕНТИМ

Сен қуёшим, сен бахтим,
Мен сенга сийнаман.
Қаерда бўлмай шахрим,
Мен сени соғинаман.

Агар тарих тун бўлса,
Сен менинг кундузимсан.
Осмои юлдузга тўлса,
Энг ёруғ юлдузимсан.

Қоҳирада юрардим,
Дедилар: шу ерда қол.
Нега қолай! Сен дардим,
Сен иқбол, сен истиқбол.

Жоним сенга тасаддуқ,
Чучук сувиғ-касарим.
Тошкентим, сенга қўлуқ,
Сен паноҳим, сарварим.

Тоқмода японлар,
Сийлашди мени жуда,
Бари бир ўша онлар,
Сен бўлдинг дил ичмда.

Одам учун ҳеч қачон,
Иккига бўлмас Ватан.
Биттадир унга осмон,
Биттадир қўлу чаман.

Одам икки Ватанда,
Бир пайтда тугилмайд.
Икки ҳис бўлса танда,
Унга ном битта: дайди.

Одам учун муқаддас,
Ўз уйи, ўз диёри.
Ўзгани этса ҳавас,
Тарк этгай уни ери.

Тошкентим, сен ягона,
Шаҳримсан, диёримсан,
Ўзгаларга арсона,
Менинг гўлбаҳоримсан!

Қўдаги ҳилолнинг,
Қўнигига жон тасаддуқ!
Шонли истиқлолнинг,
Эркингига жон тасаддуқ!

Жамоатчи муҳбиримиз Ўзбекистон расмолар уюшмасида бўлиб, республикамиз расмоларининг мамлакатимиз Мустақиллигининг 3 йиллиги байрамга қўйилган тайёргарликлар билан қизиқди. Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ расмолари Раҳим Аҳмедов, раис ўринбосари, Ҳамза номлидаги республика давлат муқофоти соҳиб Ақмал Икромжонов, расмол Леким Ибрагимовлар билан бўлган суҳбат мобайлида республикамиз мўйқалам усталининг шу кунлардаги қилаётган ишлари, вазифалари, орзу ва мақсадлари ўз ифодасини топди.

• Ақмал ИКРОМЖОНОВ: Сўнгги йилларда миллий санъатимизнинг раънақи йўлида уюшмамиз аъзолари самарали иш олиб борапти. Хок ранг тасвирда бўлсин, хок ҳайкалтарошлиқда ёки амалий санъатда бўлсин ижодкорларимиз ажойиб асарлар яратишяпти. Ҳайкалтарош Илхом Жабборов, меъмор Феруз Ашрафийлар яратган Амир Темур ҳайкали, Андижонда Захриддин Мухаммад Бобурга ўрнатилган едгорлик кейинги йилларда яратилган энг сара асарлар сирасига кириди.

• Леким ИБРАГИМОВ: Бу йил буюк соҳибқирон Амир Темурнинг севикили набираси Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи ўтказилди. Шунга тўғна сифатида Ақмал Икромжонов «Улуғбек» портретини яратди. Расмолар уюшмасининг 800 дан ошқ турли

Ижодий уюшмаларда ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҒИ

асли уйғурман, Қозғистонда туғилиб ўсганман. 1971 йилдан бери ҳаётим Ўзбекистон билан, унинг гўзал пойтахти Тошкент билан боғланган. Ингирма уч йилдан бери Ўзбекистоннинг номини еб, сувиғи ичиб келяман. Энг яхши асарларимни шу ерда яратдим. Энг

довруғини, санъати ва маданиятини, спортини оламга ейдиган жасоратли фарзандлар тарбияси ҳақида жиддийроқ ўйлаб қўйишимиз керак. Тижорат билан санъатни бир-бирига асло боғлаб бўлмайди. Чет элга савҳат пайтида расмоларимизга 5 тагача бўлган асарини сотиш имкони


берилади. Шундай расмоларимиз борки, улар асарини сотишдан, катта бойликка эга бўлишдан кўра, ўша суратларни республикамиз музейларига бепул совға қилишди. Улар санъат асарларининг тарқалиб кетишини эмас, музейларимиз кўрки сифатида сақлашни туришининг тарафдоридилар.

Хорижий мамлакатларда ўтказилаётган жуда кўп кўргазмаларда Ўзбек расмоларининг ишлари кўйилмоқда. Ўзбекистондаги хорижий давлатлар элчихоналари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқаларимиз, расмоларимизнинг тез-тез чет элларда тажриба алмашиб, ижодий сафарларда бўлиб қайтишлари ҳам мустақиллигимизнинг шарофатидир.

Мустақиллик байрамининг уч йиллиги арафасида — 29 августда республикамиз расмоларининг катта кўргазмаси очилди. Унда таниқли муассарлардан тортиб хаваскорларгача иштирок этиши кўзда тутилган. Шундай бўладик, ҳаммамизнинг асаримиз жамланганда бир бутун Ўзбекистон қўшиғига айланади.

Малика ХИДИРОВА ёзиб олди.

Ёдномалар ЭЛИ СЕВГАН ШОИР



Яна тонг ота бошлади. Яна азиз умримизнинг бир олтин вағари очилди. Аллақерда кимдир радио қўюгини бураб юборди. Хушовоз хонанда Камолддин Раҳимовнинг хониши эшитилди:

Севги бирлан бир нафас кечган ҳаётимдир ҳаёт.
Ҳар нафасни лаззатидан раҳиш этар қанду нобот.
Бул ҳаётнинг қадрини билмас кишиларга у ёт.
Ору осмонда Чустий учар синмас қанот.
Мақсадим душман кўзига дунёни тор айласам.
Хали-хали едимда. Жангчи йигитларни баҳодирликка

ундовчи бу жўшқин қўшқин уруш давом этиб турган даҳшатли кунларда ҳам радио орқали тез-тез эшитирилиб туриларди. Ўйлаб кўрсак, ўшандан буюн эллик йилдан ортиқ вақт ўтибди-я! Шoir Чустийнинг тилдан-тилга кўчиб келаётган бундай умрибоқий ашулалари сон-саноксиз!

Жумҳуриятимизда Чустий ашъорларини қўшқин қилиб айтмаган хонанда топиламаса керак. Эрка қори, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, ака-ука Шожалиповлар, Комилжон Баратов, Маъруфхўжа Баҳодиров, Шерали Жўраев, Фахриддин Умаров, Нейматжон Қўлабдуллаев, Ориф Ҳотамов, Хожикабир Ҳамидов, Бахтиёр Тўлаганов, Холдорали Олимжонов, Ғуломжон Дадахонов... Эҳ-ҳе! Ёзаверсак номлари дафтарга сиймай кетади. Яна шу-хисси эйтибормга сазоворки, шу кунларда Абдурауф Олимов, Қодир Миршауров каби ўнлаб истеъодли хонандалар ҳам Чустий ижодида тез-тез мурожаат этиб туришибди. Бу шoir газалларининг ниҳоятда сермаъно, ўйноқ ва энг асосийси, ашулобонлиги шарофатидандир.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор 1941 йилда ёзган "Поэзия — юксак санъатдир" сарлавҳали мақоласида Чустий ижоди ҳақида жиддий танқидий фикрларни айтиш билан бир қаторда унга ишонч ҳам билдириб ёзган эди:

"Чустий талантli шoir. У ёзган бирмунча шеърлар, ашулалар ҳозирги поэзиямизда маълум ўринни олади. Унинг вазифаси мана шу муваффақиятни мустаҳкамлаш ва олға қараб дадил-дадил қадамлар ташлашдир".

Анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган бу мақола эълон қилингандан буюн орадан 50 йилдан ортиқ вақт ўтди. Сабр-қаноатли меҳнаткаш шoir Чустий ҳар қандай тўсиқлар, қийинчиликлар, ноҳақликларга бардош бериб, ўз ижоди устида жиддий иш олиб борди. Натияжада у камолот чўққисига кўтарилди. Шoirнинг "Гул мавсуми", "Ғазаллар" тўпламлари, "Ҳаётнома", "Садоқат гуллари" девонларига жамланган шеърлари бунга далил бўла олади.

Мавлоно Набихон Чустийнинг "Индомаслар олами" манзумаси ўқувчиларда айниқса, катта таассурот уйғотди. У кўлэзма ҳолида тарқалиб, ҳажим анча катта бўлишига қарамай, ашулага айланб кетганди. Таниқли хонанда Бахтиёр Тўлаганов бу ўлмас асарнинг дастлабки ижрочиси бўлгани билан ҳар қанча фахрланса эрийди.

Яна шу ҳам қувонарлики, кейинги пайтларда Чустий ижоди ҳақида кўплаб ҳақоний, чўқур мазмунли мақолалар ёзилиб, чоп этирилмоқда. Филология фанлари доктори, профессор Шариф Юсупов билан фалсафа фанлари доктори, профессор Маъмуржон Нурматовларнинг бу борадаги катта хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Чустий элнинг севики, сени сийлади элнинг,
Ҳар кимни сийласа эли у кам бўлариди.
Шoir Чустий бу сўзларни катта ишонч ва чексиз ифтихор билан ёзганда асло янглишмаганди. У ҳеч қачон кам бўлмаганди, кам бўлмайдик ҳам. Шу кунларда унинг табаруқ 90 ёши республикамизда кенг нишонланаётгани бунга далил бўла олади. Қўқон шаҳрида, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Чустий номли 278-ўрта мактабда, Ақмал Икромов туманидаги "Оқтепа" маҳалласида, Шайхонтоҳур туманидаги Чустий домла яшаб ўтган "Гулобод" маҳалласида ўтказилган чустийхонлик кечалари кўпчилиқда унутилмас таассурот қолдирди.

Шунингдек, "Гулобод" маҳалласида бўлиб ўтган кечада шoir Чустий ҳақидаги хотираларни тўплаб китоб қилиб чоп этириш хуусида тақдир киритилди.

Кўни кеча биз Бахтиёрхон Набихон ўғли билан суҳбатлашдик.

— Падаири бузуқворимиз таваллуд топан куннинг 90 йиллиги Чустада нишонланадиган бўлди, — деди у. — Шу муносабат билан "Фан" нашриёти у кишининг янги девонларини нашрдан чиқармоқда. Шoirнинг иккинчи умри бу.

Усмон ЮСУПОВ.

ОЗОД ЮРАК САДОСИ

Кўлди асирлик орзу
Истиқлол.
Дилларга соҳиди ёдду
Истиқлол.

Кўксимиз этди осмон
Истиқлол.
Янги бахт, янги даврон
Истиқлол.

Шаҳидларнинг индоси
Истиқлол.
Озод юрак садоси
Истиқлол.

Адолатнинг жарчиси
Истиқлол.
Зафарлар даракчиси
Истиқлол.

Дилларга нймон берди,
Истиқлол.
Қўлларга қўрғон берди,
Истиқлол.

Бут қилди юрт номини
Истиқлол.
Бахти Ўзбекистоннинг —
Истиқлол.

ОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, онажон,
Мустақилсан эркин, ҳур!
Бахт қуёши — Истиқлол

БОШИНГ УЗРА ҚУЁШ ЧАРАҚЛАР

Мухаббатнинг, бахтнинг сурури
Ўзбекистон — гуллаган Ватан.
Тупроғининг кўзларга суриб,
Симлар сени орзу этмаган!

Юртлар ичра юртлар бекаси,
Дунёдаги афсона Ватан.
Бугундан порлоқ эртаси,
Оруз ёғар келажагидан.

Эртақларда яшаймиш гўё
Ҳар обиданг неча афсона.
Буюкларнинг хотирлари жо
Тарихингга бўлсин тасанно!

Ҳар бурчингда бўлбулу тўғрай,
Таърифингил қўйлаб туришар.
Турфа гуллар лаб очиб-очмай
Бўйларингил бўйлаб туришар.

Еру кўкка сиймас мевалар,
Лабларидан томиб турар бол.
Бошинг узра қуёш чарақлар,
Бахтинг нурли, осмонинг зилол!

Хурлик келди. Эркинлик келди.
Халқинг бошини кўтарди мағрур!
Ишонч, умид уйғонди азда.
Жон деганинг бўлаётир ҳур!

Бошинг узра соҳай нур.
Эй, ўзбеклар Ватани!
То дунё турғунча тур.
Тарихинг жуда узок,
Илдинг жуда чўқур.
Муқанна, Торобиёлар
Фарзандларинг мард, жасур.
Лол қолдирди дунёни
Жаҳонгир ўғли Темур.
Дардинг кўп, бошинг узра
Тинмади ҳеч жанг, ур-сур.
Улуғбеклар номининг
Жаҳонга этди машҳур.
Бир умр сени қўйсак
Соғиниб ўтди Бобур.
... Етмиш йил жаҳолатда
Яшадик ғумроқ, маҳсур.
Ўз тарихин унутган
Инсонда қайдан гурур!
Ким тобе, ишлар тун-кун
Ким эса қилди ҳузур.
... Етмиш йил жаҳолатда
Яшадик ғумроқ, маҳсур.
Ўз тарихин унутган
Инсонда қайдан гурур!
Ким тобе, ишлар тун-кун
Ким эса қилди ҳузур.
... Етмиш йил жаҳолатда
Яшадик ғумроқ, маҳсур.
Ўз тарихин унутган
Инсонда қайдан гурур!
Ким тобе, ишлар тун-кун
Ким эса қилди ҳузур.

Рауф ТОЛИБ.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги олдида ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

Истиқлол ўз юртини севаган ҳар бир кишига олам-олам илҳом бағишлаб, кўнига қалам тузқазиб. Тахририятимизга касби, ёши турлича бўлган муаллифлардан тинимсиз мактублар келиб турибди. Уларнинг бирида истиқлол шарофати, у берган бахт шеърли мисраларда тараннум этилса, ўзгасида Ватанини севиш, уни ардоқлаш борасида эҳтирос билан сўз юритилади. Барча мактубларини безовчи



Сурнайнинг дилбар навоси доиранинг бакабуми жўр бўлади. Тўй қизгандан қизийди. Нафақат тўй, ҳар қандай тантананда санъаткорлар ижросидаги миллий чолгу асбобларимизнинг садоси ажиб оҳанг бўлиб янграйди. Тингловсану қалбингиз тошиб ният қилсан: ҳаминша тўй бўлсин, азиялар.

Равил Азбеков олган сурат.

"ХУМОР"ДАГИ КЕЧА

Бу йил мустақил дийримизнинг барча сўлим гушлариди Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан турли-туман адабий-илмий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, ақинда маданий тарғибот маркази ва Ўзбекистон миллий боғи мустақилликнинг республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги ҳамда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб "Фалакнинг султони" мавзусида илмий-маърифий учрашув ўтказилди. Ўзбекистон

фалакшунос олим Саидбаҳром Азизовнинг "Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илми-фани тарққисига қўшган буюк хиссаси" мавзусидаги маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар.

Тадбир сўнггида машҳур ҳофиз Маъмуржон Узоқов ижрочилик санъатининг давомчиси, мумтоз кўшқилар кўйчиси Ҳотам ҳофиз бўлади.

Табиятдаги жаммики жониворлар туғилишданок ўз маконларини билдилар, қўшлар, балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто чумолилар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар. Шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб воғга етсалар, ўша масканга чексиз меҳр қўйган бўладилар.

Инсон ҳаммадан аввал ўз мамлакатининг фарзанди, Ватан манфаатларини дилига жо қилган фуқародир.

Олиймақом ватанпарварлик Ватан тинчлиги, фаровонлиги, даҳлсизлиги йўлида жонбозлик кўрсатиш, уни чексиз севиш, у билан фахрланиш, унинг меҳробига ҳамма нарсани қўйиш демакдир. Мустақил давлатимиз учун ватанпарвар, фидокор кишилар қўшеддек зарур. Она юртимиз, давримиз учун янги йўллар очмоқчи, халқимизни порлоқ истиқболга олиб бормоқчи бўлган, ўз бурчини теран сезишдан, гайрат-шижоати, тадбиркорлиги билан, бошқалар қалбига алағна енаётган етук инсонлар сафи тобора кенгайиб борапти.

Ватанга муҳаббат — бутуннинг бир бўлаги сингари одамзодга бўлган меҳр-муҳаббатдан вужудга келади. Ақил расо, соф виждонли киши ўзидан — оилани,

ҲИНДИСТОН САФАРИДОН

Мамлакатимиз мустақиллиқни кўлга киритганиги шарофати билан ташки иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларимиз кенгаймоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Ҳиндистондаги бўлими ташаббуси билан Бахтиёр Холхўжаев раҳбарлигидаги "Турон чечаклари" ашула ва ракс дастаси ижодий сафарда бўлди. Сафар давомида санъаткорлар Деҳли, Агра, Калькутта каби шаҳарларда ўзбек халқининг миллий қўшқин ва рақсларини намойиш қилдилар. Айниқса Б. Холхўжаев, У. Юсупов, Ф. Муқимовлар томонидан ижро этилган қўшқилар ҳинд томошабинлари томонидан илиқ қутиб олинди.

Ҳинд маданияти ва санъати арбоблари худди шундай ижодий учрашувларнинг мунтазам ўтказилиб турилиши икки халқ дўстлиги, маданий алоқаларини мустаҳкамлашини таъкидладилар.

Алишер НАЗАРОВ.

•Танлов ҳомийси — "Ўзбеккосмос"

1 2 3 4 5 6.